



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Козлова Галина Геннадьевна, Рузиева Махлиё Каюмовна

ФарДУ ўқитувчилари

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЗАРУИЯТИ**

Аннотация

Мақолада бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати, бу борадаги муаммолар, камчиликлар, уларни баратаф этиш йўллари, таҳлил қилинган. Шунингдек, бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий педагогик маданиятида мулоқотнинг шахслараро, гурухлараро ва жамоавий, ижтимоий шакллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: таълим тизими, таълим мазмуни, педагогика, жисмоний тарбия, жисмоний баркамоллик, жисмоний маданият, талабалар, касбий педагогик маданият, коммуникатив компетенция, нутқ маданияти.

Жаҳонда ёшларнинг маънавий, шу билан бирга жисмоний комиллигини таъминлаш, уларнинг асрлар давомида синовдан ўтган ижтимоий-педагогик ходиса, жисмоний машқлар, яъни спорт воситасида соғлом ҳаётини, жисмоний маданиятини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Чунки спорт миллати, ирқи, динидан қатъий назар барчага соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга кенг имкониятлар яратиб берадиган омиллардан биридир.

Таълимда ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи механизmlар хусусиятларини кўрсатувчи методлар, кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими, ялпи сифат менежменти, сифат кафолати, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари, узлуксиз таълим сифати



яхшиланиши каби сифатни таъминлашга ва илғор тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган методларидан фойдаланиш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар шароитида асосий вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлиги даражаси, жисмоний маданиятини оширишдан иборат. Таълимнинг янги модели ўқувчиларда билим, кўнишка ва малакаларни шакллантириш билан бирга, уларнинг жисмоний маданиятини ҳам шакллантириш, аникроғи, биринчи навбатда, яхлит жисмоний соғлом шахсни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу боис Президентимиз Ш. Мирзиёев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз”[1]. Бироқ таълим тизимини такомиллаштиришнинг йўналишлари аниқ белгилаб олинганига қарамай, кейинги йилларда жисмоний ва руҳий саломатлиги даражаси паст бўлган ўсмирлар ва ўқувчи ёшларнинг сони ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

2018 йил 5 март куни қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 20 сентябрда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлиланган йиғилишда белгиланган вазифалар, 2019 йил 13 февралда тасдиқланган “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси”, 2019 йилнинг 19 марта тақлиф этилган ёшларга оид 5 та ижобий ташаббус ва бошқа муаммога доир меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар бевосита аҳоли, хусусан ёшларнинг жисмоний барқомллиги ва маданиятини ривожлантиришни назарда тутади.

Мавжуд илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижалари гувоҳлик беришича, сўнги йилларда турли хил даражада жисмоний тайёргар-ликка эга бўлган талабаларнинг сон миқдори ортиши қайд қилинади.

Бу кўринишдаги тенденция Ўзбекистоннинг қўплаб Олий таълим муассасалари учун хос хусусиятdir. Кўпгина талабалар стандарт ўқув дастурларида назарда тутилган юкламаларни бажаришга тўлиқ холатда тайёр хисобланмайди. Бу кўринишдаги талабалар томонидан машғулотлар режимлари (берилган ёш гурухлари ўчун физиологик жихатдан асосланган сандартларга мувофиқ) доирасида тузиб чиқилган ўқув машғулотлари дастурларини бажариш қийин амалга оширилади. Бу холат сезиларли сондаги талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва улар томонидан бажарилувчи норматив тестлар ўртасидаги номувофиқлик билан боғлиқ хисобланади. Кўпгина талабаларда жисмоний тарбия машғулотларига нисбатан зарурий мотивация мавжуд эмаслиги вазиятни янада чуқурлаштиради. Бундай талабаларда кўпгина холатларда амалий машғулотларда нофаол холатда иштирок этиш, элементар машқларни бажариш ҳолатида бўлмаслик, жисмоний юкламалардан қочиши, шунингдек организмнинг барча тизимларини оптималь даражада функция бажариши учун талаб қилинувчи натижага эришишда қатъийлик намоён бўлмаслиги кузатилади. Бундай талабаларнинг жисмоний фаолиятини фаоллаштириш муҳим масала сифатида қолмоқда. Бу талабаларни ўқитиши жараёни услубияти ва уни ташкил қилиш ўзига хос хусусиятларга эга хисобланади. Бу холат турли хил даражада жисмоний жихатдан



ривожланиш ва жисмоний тайёргарликка эга бўлган талабаларга харакатларга оид ҳолатларни ўргатишида янги услугбиятни ишлаб чиқиш талаб қилинишига олиб келади.

Кейинги йилларда таълим тизимида янги инновацион жараёнларни кенг тадбиқ этилиши кузатилмоқда. Шу билан бирга инновациялар таълим жараёнидаги ташаббусларнинг жамланишида ва янгиликларни киритилишида ифодаланмоқда ҳамда улар биргаликда катта ёки кичик глобал ўзгаришларга олиб келмоқдалар.

Бир қатор тадқиқотларда олий таълим муассасаларида жисмоний маданият ва спорт фанларини ўқитишида, машғулотлар жараёнига янги инновацион, технологик воситаларни қўллаб ўкув машғулотларини олиб боришига етарлича эътибор берилмаётганлиги аниқланган. Ўқитувчи тайёрлашнинг намунавий тизими ва унинг индивидуал, ижодий фаолияти ўртасида принципиал қарама – қаршилик вужудга келмоқда.

Жисмоний маданият таълими соҳасидаги мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришида талабаларнинг касбий билим, малака ва қўникмаларни эгаллаш ўйлидаги ортиб борувчи фаоллигини таклиф этадиган ва рағбатлантирадиган ўкув жараёнини ташкил этишида янги усул ва ёндашувлар ишлаб чиқиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида жисмоний маданият ва спорт машғулотларини олиб боришида таълим жараёни технологиясини бойитадиган илмий – услубий ишланмалар етарлича ишлаб чиқилмаган.

Ўқитишининг анъанавий усуллари эндилиқда талабаларни замонавий ўқитиши усуллари билан қуроллатириш учун талаб қилинаётган билим, малака ва қўникмалар тўплами билан таъминлай олмай қолдилар. Шу муносабат билан таълимни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ўқитишининг янги усул ва воситаларини ишлаб ҳамда таълим жараёнига кенг кўллаш лозим.

Ўқув жараёнига таълимнинг янги фаол шаклларини киритиш, уни такомиллаштиришнинг асосий заминларидан биридир. Замонавий ўқитиши усулларни ишлаб чиқиши ҳозирги пайтда педагог кадрларни тайёрлашнинг, такомиллаштиришнинг ва малакасини оширишнинг энг истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Республикамизда таълимнинг янги парадигмаларга ўтиши нафақат талабаларнинг ўзини ўзи натижавий ривожлантиришга инновацион ёндашувларни, балки ушбу жараённинг методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Жумладан, “Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғуланиши учун замон талабаларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда”[2]. Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назарий ва амалий мазмунини такомиллаштириш, педагоглик касбий фаолиятида зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларни ривожлантириш, креатив таълим технологияларини ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга.



Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифати, энг аввало, уларнинг педагогик муроқотга тайёргарлиги, ўқув-методик ҳамда маънавий-маърифий вазифаларни ҳал этиш юзасидан муайян касбий ҳаракатларни бажариш лаёқатидир. Бунинг асосида бўлажак ўқитувчиларнинг муайян билим, кўникма ва қобилияtlари, энг аввало, педагогик муроқот маданияти ётади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларнинг муроқот маданияти талабларига, ўқувчиларга ахборотларни аниқ ва равон тақдим этиш маҳорати, ҳамкасларига тўғри маслаҳат ва таклиф беришни билиши, баҳонинг шаффоғлигини ифодалай олиши, хоҳиш-истакларини билдириши, муроқот-нинг нутқий ва нутқсиз воситалари ҳамда нутқ меъёрларидан тўғри фойдаланиши, муроқотда-англаш, эстетик, ахлоқий, коммуникатив эҳтиёжларни қаноатлантириши кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур талаблар, аввало, касбий-педагогик фаолиятда ўта муҳим бўлган маданий-коммуникатив фазилатлар – ҳиссий маданият, таълим олувчиларнинг эътиқоди, уларга таъсир ўтказиш; мотивация; касбий ривожланиш; назарий билим ҳамда муроқот тузилиши ва технологиясидан хабардорлик (уларга ижодий ёндашув); сухбатдоши руҳиятини билиш; педагогик ҳамкорлик ва шахслараро ўзаро таъсир; педагогик тақтни эгаллаш; педагогик муроқот техникаси; нутқ маданияти ва муроқотнинг нутқсиз воситаларининг ифодаланишида ўз аксини топади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг педагогик касбий муроқот маданиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда ифодаланади:

ўзининг жисмоний сифатлари ва қобилияtlарини энг мақбул даражасигача ривожлантиришда;

инсон жисмининг гўзаллиги, пластик эркинлиги ва соғлигига эътиборли бўлишида (жисмоний тарбия билан фаол шуғулланиш туфайли);

естетик ҳодисалар каби жисмоний тарбия ва спортдаги ютуқлари муайян шаклларининг идрок этилишида;

спорта эстетика олий гўзаллик қимматига эга бўлиб, унда ушбу спорт ҳодисаси “ўз муайян ҳиссий яхлитлигига шахс қадрияти сифатида намоён бўлади, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига, унинг эркинлиги, индивидуаллиги чегараларининг кенгайишига ёрдам беради” ҳамда унинг яширин интеллектуал ва ижодий имкониятларининг очилишига имконият яратади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари касбий муроқотни билиши, жисмонан ва маънан тарбияланганлиги, келажакда ўқувчиларни спортга жалб қилиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Спорт ва эстетика, спорт ва ахлоқ, спорт ва муроқот, спорт ва маданият, спорт маданияти ва шахснинг ривожланиши – амалиётда педагогик маданият – бўлажак жисмоний маданият ўқитувчи муроқотини англаш олиш, тушуниб етиш ва интеграцияси бир-бирини тўлдириб борадиган ва ажралмас тушунчалардир. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисини шакллантириш жараёнида спортдаги гўзаллик, яъни унинг ўз кўркамлиги, гавдаланиши, педагогик фаолиятида юксак завқ-шавқ уйғотиши, чуқур таассуротлар қолдириши ва унутилмас ҳиссиётларни жунбишга келтириши, айниқса, муҳим.

“Педагогик муроқотнинг коммуникатив компоненти диалог иштирокчи-ларининг мавқелари ва вазифаларини мувоғиқлаштиришга хизмат қилади. Таълимнинг дастлабки босқичларида ўқувчиларда ўзаро муроқотга киришиш, ўқитувчилар ва



синфдошлар билан муносабат ўрнатишга оид билим ва тажрибалар етарли бўлмайди. Бу жараёнда ўқитувчи тарихий тажрибанинг ташувчиси мавқеига эга бўлади. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг ўқувчиларга ахборотларни тақдим этишга оид тажрибасини бойитиш зарурияти мавжуд. Бунинг учун ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан педагогик муроқот ўрнатишга оид билимлари ва тажрибаларини фаоллаштириш талаб қилинмоқда. Педагогик муроқот турли шаклларга эга. Бу таълим жараёнида педагогнинг тутган мавқеи, унинг шахсий сифатлари, билим даражасига бевосита боғлиқ. Педагогика ҳамда психологияга оид манбаларда педагогик муроқот ўқитувчининг фаолият услуги билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Педагогика фанида педагогик услубнинг бир қанча таснифлари мавжуд. Педагогик муносабат аксарият манбаларда педагогик муроқот тарзида талқин этилади. Педагогик муроқотнинг муҳим жиҳати ўқув-тарбия жараёнини ўқувчи шахсига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш имкониятини яратишга хизмат қила олишидадир[3]”.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий педагогик маданиятида муроқотнинг шахслараро, гуруҳлараро ва жамоавий ижтимоий шаклларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1. Шахслараро – идрок қилиш, билиш, тушуниш, эмпатия асосида сухбатдошларнинг бир-бирини баҳолаши ва тавсифлаши.
2. Гуруҳлараро – ижтимоий гуруҳлар орасидаги муроқот. Гуруҳлараро идрок қилишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда муроқот субъектлари ва обьектлари, гуруҳларнинг ўзаро муносабати ҳамда биргаликдаги гуруҳлараро фаолият тури ва мазмуни инобатга олинади.
3. Жамоавий, жамоатчилик билан муроқот – жамоа аъзоларининг жипслашган, қадриятли-йўналтирилган бирлиги асосида қурилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак бугунги кунда олий талим муассасаларида жисмоний маданият ва спорт фанини ўқитишида талabalарнинг коммуникатив компетенцияси ривожланишини, мутахасислигини инобатга олиш, ўқитишининг янги усул ва воситаларини машғулотлар жараёнига қўллаш лозим.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б. 36.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори. «Ҳалқ сўзи» газетасининг 2017 йил 6 июндаги 111 (6805)-сони.
3. Педагогика энциклопедия, III жилд. Масъул муҳаррирлар: Р.Сафарова, Р.Жўраев. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, - Тошкент, 2017. Б-91-92.
4. Islamov I. I. Fundamentals of promotion of sports and competitions and physical training among school students. Current research journal of pedagogics 2(6): 85-89, June 2021



5. Islomov Islomkhoja. Socio-pedagogical purposes of modern physical education. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. december, 2020-vii. issn 2181-9750
6. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review , (7-8). 8.
7. Сиддиков, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальны й опыт и реальная необходимость международных инициатив. In Условия социально - экономического развития общества: история и современность (pp. 38 - 43).
8. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
9. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in Islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.